



Ислом Нури

Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Жабрий
Ислом Нури таржимаси

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир.

Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан кўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг



Ислом Нури

пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Аммо баъд...

Сўзларнинг энг тўғриси Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг энг хайрлиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салланинг йўллари, ишларнинг энг ёмони (динда) янги пайдо қилинганларидир, (динда) ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат, ҳар бир бидъат залолат ва ҳар бир залолат дўзахдир.

Аллоҳ таоло бизга Ислом неъматини берганини биламиз, бу эса энг улкан неъматдир. Аллоҳ таоло деди: **«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим.»** (Моида: 3) шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ҳар бир мусулмон учун Исломдан бошқа динга қалбини очмасликни таъкидлади. Чунки ким Исломдан бошқасига қалбини очса, унга бўйсиниб қолиши ва уни ўзига дин қилиб олиши мумкин. Бу хусусдаги Аллоҳнинг буйруғи қатъийдир. Аллоҳ таоло деди: **«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Оллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир.»** (Оли Имрон: 85) Нега шундай? Чунки Аллоҳ наздида мақбул дин фақат Ислом. **«Албатта Оллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир. Аҳли китоблар (яхудий ва насронийлар) уларга (ислом ва Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбарлиги ҳақида) ҳужжат келганидан кейин фақат ўзаро ҳасад-адоват қилганлари сабаблигина талашиб-тортишдилар. Ким Оллоҳнинг оятларини инкор қилса, бас, албатта Оллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир.»** (Оли Имрон: 19)



Ислом Нури

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳидоят ва ҳақ билан юборди. Ул зот олиб келган нарсагина ҳақ, ундан бошқаси ботил. Ислом бошқа динлар билан олди берди қилиш, улар билан битимлар тузиб, ҳамма ўз йўлида; мусулмон исломида, кофир ширкида омонликда, оға-ини бўлиб яшайвериши учун келмади. Асло ундай эмас. Аллоҳ таоло бу масалани қатъий ҳал қилиб қўйган: **«У (Оллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан — гарчи мушриклар истамасалар-да — барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир.»** (Саф: 9) Демак, Ислом тўла ҳақни ва тўла ҳидоятни олиб келган. Барча динлардан устун бўлиш учун келган, гарчи буни Ислом душманлари ёмон кўрсалар ва унинг рўёбга чиқишини тўсишга ҳаракат қилсалар ҳам.

Ислом душманлари Исломнинг равнақини кўра олмайдилар, шунинг учун мадорлари бор экан, унга қарши қўлларида бор қуроллари билан курашадилар, ҳар хил тухмат тошларини отиш ва турли лақаблар билан аташдан толмайдилар. Улар кеча-кундуз Ислом зўравонлик, терорчилик ва ақидапарастлик дини дея акилламоқдалар. Бундан биз ажабланмаслигимиз керак, чунки улар бизга етадиган ҳар бир яхшиликни кўра олмасликларини Аллоҳ таоло бизга хабарини бериб қўйган. Улар жон-дилларидан бизга ёмонликлар ва аламлар етишини истайдилар. Аллоҳ таолонинг ушбу оятларини тааммул қилинг: **«На аҳли китоблар (яхудий ва насронийлар) дан бўлган кофирлар ва на мушриклар сизларга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик тушишини истамайдилар. Оллоҳ эса раҳматини Ўзи хоҳлаган кишиларга хос қилиб беради. Оллоҳ буюк фазлу карам соҳибидир.»** (Бақара: 105) **«Аҳли китобдан бир тоифаси сизларни (ҳақ динингиздан) адаштирмоқни хоҳлайди. Лекин улар ўзлари сезмаган ҳолларида фақат ўзларинигина адаштирадилар, холос.»** (Оли Имрон: 69) **«(Эй мўминлар), агар**



Ислом Нури

улар (мушриклар) сизларга зафар топсалар душманларингиз бўлурлар ва сизларга қўл ва тилларини ёмонлик билан чўзурлар (яъни сизларни ўлдирурлар, ҳақоратлар қилурлар). Улар сизларнинг яна кофир бўлишларингизни истарлар.» (Мумтаҳана: 2)

Уларнинг бизни кофир бўлишимизни иташлари орзулигича қолдимиз? Йўқ, уларнинг бу орзулари амалий одимларга айланди. Улар Исломга даъват қилувчи ҳар бир инсонни ёмон кўрадилар, унга қарши ҳукуматларни гиж-гижлашади, унга таъқиқ қўйиш ва унинг овозини ўчиришга жидду-жаҳд қиладилар. **«Қачонки уларга Бизнинг очиқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, кофир бўлган кимсаларнинг юзларида инкор (аломатини) сезурсиз. Улар, ўзларига Бизнинг оятларимизни тиловат қилаётган зотларга чанг солишга яқин бўлурлар. (Сиз уларга) айтинг: «Энди мен сизларга бундан ёмонроқ нарсанинг хабарини берайми? (У) Аллоҳ кофир бўлган кимсаларга ваъда қилган дўзахдир. Нақадар ёмон оқибат у!»** (Ҳаж: 72)

Улар шу билан чекланиб қоляптиларми? Йўқ, асло! Улар биз динимизни тарк қилсакгина рози бўладилар. Нега, дейсизми? Сабаби, Ислом оламни нурафшон қилиш учун келган нур. Кофирлар ўзлари муваффақиятсизликка учраб турган пайтда нажотга олиб борадиган, умидсиз бўлиб турганларида муродга етказадиган янги динни кўрдилар ва уни худди қалбаки табиблар ҳақиқий табибни, доимий чув тушиб юрган хом савдогарлар моҳир савдогарни ёмон кўрганларидек ёмон кўрдилар. Улар кўрқадиган нарса — агар одамлар Исломнинг ҳақиқатини билиб қолсалар, улар учун ҳаётда ўрин қолмайди. Аллоҳ таоло деди: **«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг:**



Ислом Нури

«Оллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Оллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам берувчи бўлмайди.» (Бақара: 120)

Улар норозилик билан кифояланадиларми?

Йўқ! «Улар (кофирлар) кўлларида келса то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар.»(Бақара: 217).

Мусулмонлар заиф бўлиб турган ҳолда уларга нисбатан ҳарбий куч-қудратларини ишга солишади, салиб юришлари ҳали ёдимиздан кўтарилганича йўқ.

Ушбу асрга келиб, исломий уйғониш дебочалари милтиллай бошлагач, уларнинг ақл-хушлари учиб, мусулмонлар қалбидан Исломни ўчириб ташлашга имкон берадиган янги-янги услуб ва режаларни тузишга киришдилар. Масалан, улар одамларнинг маданият ва тараққиётга иштиёқларини кўргач, тараққиётга Исломдан воз кечиш орқалигина эришиш мумкин деган фикрни мусулмонлар ўртасида зўр бериб ёйишга киришишди, уларга: *«Дин агар сизларнинг манфаатингизга зид келса, демак у тараққиёт йўлида сиз учун зовга айланади, тараққиёт йўлидаги ҳар қандай зовни йўлдан олиб ташлаш зарур. Билингики, дин бу замон учун яроқли бўлмай қолди, шундай экан, ундан воз кечинг, ёки ҳеч бўлмаганда худди биз қилганимиз каби уни ўзгартириб, ўз манфаатингизга хизмат қиладиган ва унга қарши чиқмайдиган қолипга солиб олинг. Агар динингизни маҳкам тутишни истасангиз, бунга ҳеч қандай монелик йўқ, фақат бироз бағрикенглик қилишингизга тўғри келади»*, дейишди.

Бағрикенглик?! Субҳаналлоҳ, улар бу калимани қайси маънода



Ислом Нури

тушунтиришга уринишмоқда?! Бағрикенглик нималигини биздан сўранг! Бағрикенглик, олижаноблик – нақадар гўзал сифатлар. Аммо, динимиз душманлари бу сўз остида бутунлай бошқа, ботил маънони яширадilar. Зотан, биз яхши биламизки, бизнинг динимиз аввал бошданок бағрикенглик асосига қурилган, Ислом мусулмон жамияти ичида яшашни ихтиёр этган ғайридинларга нисбатан бағрикенглик сиёсатини тутган, уларни Исломни қабул қилишга мажбур қилмаган. Чунки, Аллоҳ таоло: **«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди»**, деган (Бақара: 256).

Аллоҳ таоло мусулмонларни улар орасида яшаб турган ўзга дин вакилларига нисбатан адолат ва яхшилиқни ўзида мужассам этувчи гўзал ахлоқлар билан муомала қилишга тарғиб қилган: **«Аллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан — уларга яхшилиқ қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан қайтармас. Албатта Аллоҳ адолат қилувчиларни севар»**(Мумтаҳана: 8).

Имом Қуртубий зикр қилишларича, бир мусулмон киши ўзининг насроний ўғлини Исломга зўрлаб киритмоқчи бўлади ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Менинг бир бўлагим ўтга тушадими, ҳолбуки мен уни тўсиб қолишга қодирман», деганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ояти каримани ўқиб берган эканлар: **«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди»** (Бақара: 256).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида ўғирлик содир бўлади, ўғри урган хонадоннинг қўшнилари ичида мусулмони ҳам,



Ислом Нури

яхудийси ҳам бор эди, ўғирликни яхудий қўшнисидан гумон қилинди. Бироқ, яхудийнинг айбсизлигини, ўғирликни эса ўзини мусулмон кўрсатиб юрган мунофиқ қўшни қилганини хабар бериб, оят нозил бўлди: **«Албатта, Биз сизга ушбу Ҳақ Китобни (Қуръонни) одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик. Сиз хоинларни ҳимоя қилувчи бўлманг. Аллоҳдан мағфират қилишни сўранг! Албатта Аллоҳ мағфират қилувчи ва меҳрибон бўлган зотдир. Сиз ўзларига хиёнат қиладиган (жинояткор) кимсаларнинг ёнини олманг! Албатта Аллоҳ хоин ва жиноятчи бўлган кимсаларни севмайди»** (Нисо: 105-107).

Ислом ва мусулмонлар томонидан кўрилган бу каби олижаноблик ва бағрикенглик намунасини яна қаерда кўриш мумкин?! Ғарб ўзининг ислом дунёсидаги югурдаклари ёрдамида бизни қай маънодаги бағрикенгликка чорламоқда?! Улар сўзда эмас, амалда Аллоҳ машруъ қилиб қўйган ҳадларда (жиноятга бериладиган шаръий жазоларда) бағрикенглик қилишга чақирмоқдалар: зинокор дарраланмайди ва тошбўрон қилинмайди, ўғрининг қўли кесилмайди, ароқхўрни урилмайди. Яна улар Исломнинг рукнларидан юз ўгирган кишиларга бағрикенглик кўрсатишга чақирадилар: майли намоз ўқимасин, рўза тутмасин, закот бермасин, дейдилар. Худо ҳаққи айтинг, бу қадар «бағрикенглик»дан сўнг Исломдан нима қолади?!

Миссионерларга нисбатан бағрикенглик қилишга чақирмоқда улар бизни, уларга черковлар қуришга ва христианликка даъват қилишга имконият яратиб беришимиз керак экан. Фикр ва эътиқод эркинлиги ниқоби остида мусулмонлар орасида кофир ва динсиз ақидалар тарқалишига кўз юмишимизга чақирмоқдалар улар бизни. Салмон Рушдий дегани чиқди, мусулмон ўлкаларида унга ҳамфикрлар пайдо



Ислом Нури

бўлди. Исломга тош отиш ғарбнинг қучоғига отилиш ва ундан бошпана олиш воситасига айланди. Қачон бирон муртад Ислом ва муслмонларни ёмонлаб чиқса, ғарб уни қучоқ очиб кутиб оладиган, унга мукофотлар берадиган, ғарб оммавий ахборот воситалари эрта-ю кеч уни кўкларга кўтариб мақтайдиган бўлди. Шунча ишлардан кейин ҳам яна содда муслмонларга қарата ғарб деганлари: «Биз Исломга қарши эмасмиз, биз экстремизмга қаршимиз», деб жар солади. Яъни, эй муслмонлар, сизлар ё хорликка рози бўлиб яшанг, бизга бўйсунинг, ўз шахсингизни ва исломингизни биз истаган қолипга солинг, шунда бизнинг наздимизда мўътадил ислом тарафдори саналасиз, ё эса дин ҳукми остида яшанг, у ҳолда биз сизга қарши турамыз, ақидангизда, иқтисодингизда ва умуман бутун ҳаётингизда сизга қарши уруш очамиз.

Жуда кўп муслмонлар ғарбнинг бу чақириғини қабул қилди, унинг карвонига қўшилди, бу дунёдаги бутун мақсадлари қай йўл билан бўлмасин ғарбни рози қилиш ва шу билан унинг розилигига эришиш бўлиб қолди. Бироқ, бунга эришдиларми?!

Дарҳақиқат, араб мақолида айтилганидек, биз ғамга рози бўлдик, бироқ у бизга рози бўлмади. Улар биздан олийжаноблик ва бағрикенглик талаб қилдилар, кўпчилигимиз шундай қилди ҳам, баъзиларимиз ўлиб-тирилиб уларни рози қилишга тиришди, бунинг учун қўлидан келган ва келмаган барча ишни қилди. Бироқ, шунча ишлар қилишларига қарамай, ғарб бизни ҳеч қачон ўз ҳолимизга қўймади. Аксинча, у бизнинг энг муқаддас тамойилларимизга чанг солишда давом этмоқда. Улар бизнинг энг улуғ ва энг суюмли кишимиз шахсига чанг солдилар, халқларнинг саййиди бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаънларини булғашга киришдилар, куни кеча у зот ҳақларида ифлос ва қабиҳ бир кинофилм



Ислом Нури

ишладилар. Уни ахлоқсиз шаҳвоний филмлари билан машҳур бир режиссёр ишлаганки, бу нарса мислсиз пасткашлик, разиллик ва ҳақорат белгисидир.

Ушбу ҳодиса хусусида бир неча фикр ва мулоҳазалар билдириб ўтишни истардим:

Биринчидан: бу филм биз мусулмонларнинг ислом тарихи мобайнида давом этиб келаётган ва Исломнинг юксалишига қараб кучайиб бораётган эски сериалнинг янги ҳалқаси қаршисида эканимизни яна бир бор таъкидлади. Зеро, Ислом бугунги кунда дунё динлари ичида энг тез тарқалиб бораётган дин бўлиб қолди. Ғарб эса табиийки, бунда ўзи учун жуда катта хатар кўради. Чунки, бунинг муқобилидаги кўриниш шуки, кўплаб ғарб черковлари бугунга келиб ибодатга келувчилар топилмаганидан ўз эшиklarини бутунлай беркитишга мажбур бўлмоқда. Мисол учун, Францияда якшанба кунги ибодат учун улар католик уйи деб атайдиган ибодатхоналарга келадиганлар бутун аҳоли сонининг 5 % (беш фоиз)идан ўтмас экан, яъни 3 000 000 (уч миллион)дан камроқ киши ибодатга келаркан. Бу эса Францияда жума намозига келувчи мусулмонлар сонининг ярмига тўғри келади. Айрим черковлар ўзига одам чақиритиш учун диско муסיқалардан ва ҳамжинслар (гомосексуалистлар) никоҳини амалга ошириш каби ишлардан фойдаланишга ўтган. Ҳолбуки, Ислом инсонларни тавҳид, фазилат ва покликка чорлаш орқали тарқалиб бормоқда.

Шунинг учун ғарб оммавий ахборот воситалари орқали Исломнинг ғарб давлатларида тарқалиб боришининг олдини олишга зўр бериб уринмоқда, ғарблиklarни ундан бездириш учун Ислом ва мусулмонлар суратини имкон қадар булғаб кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Аллоҳ таоло айтганидек: «**Биз** (сиздан илгари ўтган) **ҳар**



Ислом Нури

бир пайғамбар учун (ҳам) жинойтчи кимсалардан мана шундай душман(лар) қилганмиз» (Фурқон: 31).

Иккинчидан: ғарбда исломга нисбатан содир этилган шундай қабихликдан кейин ҳар сафар ғарб ҳукмрон доиралари ўзининг фикр ва санъат эркинлигини ман қилишга қодир эмаслиги ҳақидаги баҳонаси билан ўзининг заиф позициясини кўрсатади. Ахир, ахлоқсизлик қандай қилиб санъат ёки фан бўлиши мумкин?! Америкага қилинган ҳар қандай ёмонлик ва обрўсизлантириш иши улар назарида фикр ва сўз эркинлиги деб қараладими?! Табиийки, йўқ. Шундай экан, қандай қилиб ўзига нисбатан ёмонлик қилишни ман қилади-ю, Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига ва ер юзи аҳолисининг чорак қисмини ташкил этувчи бутун бир умматнинг муқаддасотларига чанг солишга йўл қўйиб беришади?! Бундай қабих ишга қўл урувчи кимсаларга сўз эркинлиги баҳонаси билан истаган қабихликларини қилишга кенг йўл очиб беришади?!

Устоз Жамил аз-Зайёбий айтади: Ғарб ҳукуматлари ўтган йиллар мобайнида Исломга, унинг аҳли ва пайғамбарига нисбатан ҳаддан ошишлар соясида ушбу ишларни амалга ошираётган кимсаларни тийиб қўйиш, уларни ёмонликлардан тўхтатиб қолиш, динлар ва пайғамбарларни камситувчи ва динлараро фитналар кўзғовчи шахсларни жавобгарликка тортувчи қонунларни татбиқ қилиш борасида масъулиятли қадам қўймади. Иш мусулмонларга тааллуқли бўлган пайтда ғарб ҳукуматлари унга енгил-елпи қараши ва кўп нарсадан кўз юмишига далил бўлувчи кўплаб аниқ-тиниқ ҳолатлар бор. Таққослаш учун айтамикки, Исломга ва унинг пайғамбарига ҳужум қилинган пайтларда буни фикр ва сўз эркинлиги деб эътибор қилинади. Аммо, мавзу яҳудийлар қирғинини салгина шубҳа остига олишга тааллуқли бўлса, масала миллатчилик, антисемитизм,



Ислом Нури

ксенофобияга айланади ва халқаро қонунчилик даражасига кўтарилади. Шунинг учун биз Исломга ва унинг муқаддас рамзларига тил теккизиш жиноят деб саналишини талаб қилиб чиқишни ўз ҳаққимиздан деб биламиз. Бизнинг ҳис-туйғуларимиз ҳурмат қилинишини, Пайғамбар ва Қуръон каби муқаддас рамзларимиз ҳақорат қилинмаслигини талаб қилишни ўз ҳаққимиздан деб биламиз. Ким баҳс ва мунозара қилмоқчи бўлса, марҳамат, биз бунга тайёрмиз. Аммо, ҳақорат ва тажовуз қилинишини асло қабул қилмаймиз. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «(Куфрга қарши курашда) **сустлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз! Агар (ҳақиқий) иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун бўлувчидирсизлар**» (Оли Имрон: 139).

Зотан, ер юзидаги ҳеч қандай куч-қудрат бизни ҳақорат ва камситишларни жимгина қабул қилиб кетишга мажбур қила олмайди. Биз Аллоҳ таоло Ислом билан азиз қилган халқмиз, бизнинг кўлимизда ундай жиноятчиларга юзлашиш ва уларнинг адабини бериб кўйишга етарли воситалар мавжуд. Ҳа, ғазабланиш бизнинг ҳаққимиздир. Агар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун ғазабланмасак, бизда ҳеч қандай яхшилик йўқ экан! У ҳолда ернинг ости биз учун унинг устидан яхши! Бироқ, бизнинг ғазабимиз ҳам шариат доирасида бўлмоғи лозим. Нега? Чунки, биз уларга ўхшаган эмасмиз, биз кўплаб ҳақорат ва ёмонликларга дучор этилаётган дин аҳли бўлишимизга қарамасдан, ўзга динларнинг пайғамбарлар, китоблар каби муқаддас рамзларини эҳтиром қиладиган ягона дин вакилларимиз. Чунки, бизнинг ғазабимиз ҳам оқилона ва шариат белгилаган кўринишда бўлиши, тажовузкорлик, одам ўлдириш ва вайронагарчилик каби ўта кўпол ва шиддатли реакциялардан воз кечмоғимиз лозим. Чунки:

1) Бир жиноятчининг жинояти эвазига бошқа бир бегуноҳ кишининг



Ислом Нури

қонига зомин бўлиб қолмайлик. Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳеч бир кўтарувчи (яъни гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас»** (Фотир: 18).

2) Анави пасткашлар бутун оламга: «Ана, биз сизларга Ислом террор, одам ўлдириш ва вайронагарчилик дини деб айтмаганмидик, ахир?!» деб айтиш учун бизнинг айна шундай шиддатли ва қаттиққўл ишларга қўл уришимизни исташади.

3) Муайян мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида шу каби ҳодисалардан фойдаланиб қоладиган кимсалар бўлади. Масалан, Ливиядаги Америка элчисининг ўлдирилиши ва айрим мусулмон давлатларида ғарб давлатлари элчихоналарига ҳужум қилиниши Сурия муаммоси учун зарарли бўлди, айримлар бу ҳодисалардан фойдаланиб: Сурия халқи кўзғолони ғалаба қилган тақдирда бутун минтақани мана шу каби оқибат кутиб турибди, чунки, ҳозирда мавжуд фосид тузумнинг ўринбосари айна террорчи жамоатлар бўлади, дейишмоқда.

4) Бетартиб шаклдаги реакциялар мазкур филмнинг кўп миқдорда тарқалишига катта ҳисса қўшди. Филм яратувчилари эса айна шу нарсани исташган эди. Ушбу филм қўйилганига икки ойдан кўпроқ бўлган бўлса, шу вақт мобайнида уни бор-йўғи 500 томошабин кўрган экан. Аммо, ҳозирга келиб, уни томоша қилганлар сони 30 000 000 (ўттиз миллион)дан ошиб кетибди, 4 900 000 (тўрт миллион тўққиз юз минг) интернет саҳифасида у ҳақда гапирилибди, дунё бўйича 3000 оммавий ахборот воситасида бу ҳақда сўз бўлибди. Хатарли жойи шундаки, ҳозирда Ислом ва мусулмонлар шаънини булғовчи, бироқ кенг тарқалмаган минглаб газета-журналлар, веб саҳифалар, филмлар мавжуд бўлиб, уларнинг эгалари ўз молларини ўтказиш учун янги-янги бозорлар ва даллоллар қидирмоқда. Умид қиламизки, иккинчи



Ислом Нури

марта уларнинг тўрига илиниб ва ўлжасига айланиб қолмайлик. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин киши бир тешикдан икки марта чақилмайди», деганлар. Агар шу филмга бошиданоқ бу қадар эътибор кўрсатилмаганида эди, одамлар уни тезда унутиб юборишган ва шу билан иш тугаган бўларди.

Учинчидан: юз берган барча ҳодисаларга қарамай, омонат юзасидан айтиб ўтишга бурчлиманки, ушбу ёмонлик остида айрим ижобий тарафлар ҳам кўзга кўринди. Жумладан, Американинг расмий позицияси бу гал аввалгиларга қараганда яхшироқ бўлди, филмни очиқ танқид қилди, таҳқирлашни умумий тарзда рад қилди. Авваллари бу нарса кўрилмаган эди. Филмда суратга тушган актёрлар ўзларининг филм мақсадидан беҳабарликларини ва алданганларини айтиб чиқишди. Бу ҳам ижобий тарафларидан биридир. Разил ва кўрқоқ режиссёрнинг қочиб яширингани ҳам ижобий иш бўлди. Бу Аллоҳ таолонинг Ўз Пайғамбарига хитобан айтган қуйидаги сўзлари маъносига ҳамоҳанг бўлди: **«Албатта, Биз Ўзимиз сизни масхара қилувчиларни (ҳалок этиш учун) кифоя қилурмиз»** (Ҳижр: 95).

Салмон Рушдийни эслайсизми, у Исломни ҳақорат қилувчиларнинг етакчиларидан эди. Ғарб уни қучоқ очиб кутиб олди, Исломни ва Ислом пайғамбарини таҳқирлагани учун уни турли мукофот ва унвонлар билан кўмиб ташлади. Биласизми, ушбу кимса 1999 йили кўр бўлиб қолди, кўпхотинликка қарши уруш эълон қилганига қарамай ўзи бир неча марта уйланди, лекин ҳар сафар уйланганидан сўнг унинг кўршапалакка ўхшаб яшашини, ўз соясидан ҳам кўрқишини, туну кунини фақат кўрқув ичида ўтказишини, сурункали кўрқув касалига чалинганини кўрган хотинлари кўп ўтмай уни ташлаб кетаверишди. Охирги уйланган аёли – ҳинд актрисаси бир неча ҳафтадан сўнг у билан ажрашиб кетаркан, уни телбаликда айблади. У



Ислом Нури

ҳозирда якка ўзи, ажалини кутиб, ўз ибораси билан айтганда ханжар зарби ёки бир парча кўрғошин зарбидан ўлишини ё эса саратондан ҳам оғир маънавий дард ортидан жон таслим қилишини кутиб яшамокда. Аллоҳ ҳаққи айтинг, қайси бир инсон шундай ҳаётни орзу қилади?! Аллоҳ таоло нақадар рост айтади: **«Албатта Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига озор берадиган кимсаларни Аллоҳ дунёда ҳам, охирада ҳам лаънатлагандир ва улар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйгандир»** (Аҳзоб: 57). Дунёдаги хорлик азоби бундан ортиқ бўладими, Аллоҳ уни шу дунёнинг ўзидаёқ хорлаб қўйди, охирадаги азоби эса, шубҳасиз, оғирроқ ва қаттиқроқдир.

Тўртинчидан: улуғ динимиз ва буюк пайғамбаримиз шаънида такрор-такрор содир бўлаётган бу каби қабоҳатларга қандай жавоб беришимиз керак?

1) Бундай разил ва қабиҳ ишлар кенг тарқалиб ва катталашиб кетмаслиги учун уларга қаттиқ аҳамият бермаслик ва имкон қадар кўрмасликка олиш, шундай қилиш энг яхши даволардан биридир. (Мункарни яшириш уни фош қилмаслик қоидасига амал қилиш. ИНТ)

2) Бор куч-ғайратимизни дунё аҳлига Ислом ҳақиқатларини кўрсатиб беришга йўналтиришимиз, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғайридинларга нисбатан муомалаларини очиклаб бериш, Исломнинг ўзга дин аҳлларига нисбатан бағрикенглиги намуналарини кўрсатиб бериш. Ютубда (Youtube) бир видеолавҳага кўзим тушди, унда саудиялик бир йигит америка жамиятига унинг лаҳжасида хитоб қилиб, уларга Пайғамбар ҳақларида сўзлаб бераётган экан. Бу ҳам мақтовга сазовор бир ҳаракат деб ўйлайман. Дарҳақиқат, **«Парвардигорингизнинг қўшинларини ёлғиз Унинг Ўзигина билур»** (Муддассир: 31).



Ислом Нури

3) Исломнинг ва ислом Пайғамбарининг фазилатларини дунёнинг барча тилларида нашр қилиб, тарқатишимиз. Шунингдек, кўплаб ғарб мутафаккирлари ва ғарб оламида муҳтарам шахсларнинг Ислом ҳақида, Ислом Пайғамбари ҳақида айтган инсофли сўзларини нашр қилиш. Бу ҳам Ислом Пайғамбари шаънларига бўҳтон қилаётган, шунингдек Мусо ва Ийсо алайҳиссалом шаънларида номақбул филмлар ишлаган манфур кимсаларга муносиб жавоб бўларди.

4) Шу каби муаммоли ҳолатлар юзага келганда динимизни ҳимоя қилиш йўлида одамларни оқилона ва тартибли услубда реакция кўрсатишга ўргатиш лозим. Шунда биз сионистларнинг ғарб насроний оламини ғарбда Ислом динининг кенг тарқалишининг олдини олиш баҳонасида мусулмонларга қарши оммавий сафарбар қилиш ва шу орқали ҳукмронликни ўз қўлларида тутиб туриш орзусини рўёбга чиқариб бермаган бўлардик.

5) Ўша филмни ишлаган кимсаларни қонунлар доирасида таъқиб қилиш, ундайларнинг шармандасини чиқариш йўлида ғарбликлар ичидан ҳурфикрли ва оқил инсонлар билан ишлаш ва ҳоказо ишларни ушбу услублар жумласига киритиш мумкин. Шу муносабат билан, яқинда телевизорда бир насроний зиёли билан мулоқотни кўрдим, у Исломни ва Ислом Пайғамбарини ҳимоя қилиб сўзлади, мазкур жинойтчиларни зудлик билан судга бериш ва жазога тортиш лозимлиги ҳақида сўзлади. Аллоҳга қасамки, шу одамнинг ўзи ва гап-сўзи ўзлари бизнинг орамизда яшаб туриб, мусулмонлик даъво қилиб туриб, Исломни ва Ислом Пайғамбарини бир калима сўз билан бўлса-да ҳимоя қилиш у ёқда турсин, мазкур филмга норозиликларини намоёишлар орқали ифодалаётган кишиларни ёмон кўраётган ва уларга ғазаб-нафрат ўқини отаётган айрим мунофиқлардан анча яхши ва афзал кўринди. Аллоҳ таоло нақадар рост сўзлаган: **«Зеро, кўзлар**



Ислом Нури

кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлур» (Ҳаж: 46).

б) Бойкот ҳам ушбу услублар жумласига киради. Мисол учун, Ютуб (YouTube) сайтини бойкот қилиш керак. Агар ушбу сайт бир неча кунгина узлуксиз бойкот қилинса, шунинг ўзи ҳам анча самара беради ва улар бизнинг қонуний талабларимизни бажаришга мажбур бўлишади. Биласизми, Саудия Ютуб сайтига кириш бўйича дунёда иккинчи, араб оламида эса биринчи ўринда туради, саудияликлар ҳар куни 36 000 000 (ўттиз олти миллион) видеолавҳа томоша қиладилар. Агар улар бир неча кун бир вақтнинг ўзида ушбу сайтга киришни тўхтатиб қўйсинларчи, қани сайт эгаси уларнинг талабига жавоб бермай қўярмикин?! Шундай деб ўйласангиз, хато қиласиз.

Сўзим сўнгида айтаман, азиз биродарлар, Исроил сомийларга ёмонлик қилиш (антисемитизм)ни жиноят деб санайдиган халқаро қонун чиқартиришга муваффақ бўлди. Биз ҳам айни муомалани талаб қилишга ва Ислом ва унинг муқаддас рамзларига ёмонлик қилишни жиноят деб санайдиган халқаро қонун чиқартиришга ҳақли эмасмизми?! Нега араблар ва мусулмонлар ушбу мақсадни рўёбга чиқариш йўлида ўз иқтисодий нуфузларидан фойдаланмасликлари керак?!

Энг сўнгида айтаманки, душманлар Пайғамбаримизни ҳарчанд ҳақорат қилмасинлар, Аллоҳ таоло у зотнинг зикрларини шу қадар юқори ва мартабаларини шу қадар олий қилаверади. Ғамгин бўлмайлик, бу улуғ Пайғамбар ўз даъватларини бир ўзлари, ёлғиз ҳолда бошлаганлар, ҳозирга келиб у зотга эргашганлар бутун башариятнинг тўртдан бир қисмини ташкил қилмоқда. Келажак Исломникидир, башарият истаса-истамаса келажак Ислом Пайғамбарининг дини учундир.



Ислом Нури

«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан — гарчи мушриклар хохламасалар-да — барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир»(Тавба: 33, Соф: 9).

Аллоҳ барчамизни Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган ишларга муваффақ қилсин.